КПСС XXV СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 6 (5867).

8 ЯНВАРЬ ШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ КОЛХОЗЧИЛАРНИ, СОВХОЗЛАРНИНГ ИШЧИЛАРИНИ, МЕХАНИЗАТОРЛАРНИ, ОЛИМЛАРНИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИНИ, ҚИШЛОҚҚА МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИНИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ САНОАТ ХОДИМЛАРИНИ 1977 ЙИЛДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЮКСАК МАРРАЛАРГА ЭРИШИШ УЧУН СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАГА АКТИВ ҚЎШИЛИШГА ЧАҚИРАДИ ВА УЛАР ЮБИЛЕЙ ЙИЛИДА ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ АНА ШУ ҲАЁТИЙ МУҲИМ ТАРМОҒИНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ЯНГИ, ЁРҚИН САҲИФА БИТАДИЛАР, ДЕБ ИШОНЧ БИЛДИРАДИ.

# КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ МАКТУБИ

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОЛХОЗЧИЛАРИ, СОВХОЗЛАРИНИНГ ИШЧИЛАРИ, МЕХАНИЗАТОРЛАРИ, ОЛИМЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МУТАХАССИСЛАРИГА, ҚИШЛОҚҚА МАТЕРИАЛ-ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ САНОАТ ХОДИМЛАРИГА, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз ўртоқлар! Партия XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишимизнинг биринчи йили — 1976 йил тугади. Бу йил мамлакат экономикаси барча тармоқларини ривожлантиришда янги муваффақиятлар билан, кўпгина ватанпарварлик тушаббуслари билан, социалистик мусобақа ғоят кенг қулоч ёйиши билан нишонланди. Бу йилни совет кишилари илҳом билан фидокорона меҳнат қилган, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун сабот билан курашган, Ватанимиз қудрати янада мустаҳкамланган ва равнақ топган йил деб ҳақли равишда аташ мумкин.

Қишлоқ хўжалигида — экономикамизнинг ана шу ҳаётий муҳим тармоғида ўтган йил 1975 йилги жуда қаттиқ қурғоқчилик оқибатларини бартараф этиш соҳасида зўр ғайрат билан ишланган йил бўлди. Ҳосилнинг тақдири учун кўп ташвиш чекилди. Аммо қишлоқ меҳнатчиларининг руҳи тушмади, улар оби ҳаво инжиқликларини енгиш учун ҳамма ишни қилдилар. Уларга ишчилар синфимиз, шаҳарларнинг ва саноат марказларининг аҳолиси, студент ёшлар, Совет Армиясининг жангчилари катта ёрдам бердилар. Партия, совет, комсомол, касаба союз ходимлари ҳосил учун курашнинг толмас ташкилотчилари бўлдилар.

Партия ва халқнинг куч-ғайрати муваффақиятлар билан якунланди. Зарбдор соҳа — дон етиштиришда катта ғалабага эришилди. Мамлакатда 224 миллион тонна дон ҳосили олинди, давлат харид қилган доннинг ҳажми 92 миллион таннадан ошди. Рекордли 1973 йил даражасидан ўзиб кетилди. Мамлакатни ғалла билан таъминлашдан иборат умумхалқ ишига барча иттифоқдош республикаларнинг меҳнаткашлари муносиб ҳисса қўшдилар. Пахта ва бошқа бир қанча экинлардан яхши ҳосил етиштириб олинди. Чорвачилик учун хашак ва ширали озуқа етиштириш кўпайтирилди.

Ўтган қишлоқ хўжалик йилининг якунлари бизни қувонтирмоқда, янги беш йиллик яхши бошланди. Бу — жамиятимиз манфаатларига батамом мос бўлиб тушадиган аграр сиёсат изчиллик билан амалга оширилаётганлигининг натижасидир. Бу — КПСС XXV съездининг қарорлари, унинг ғоялари коммунистларнинг, барча меҳнаткашларнинг кундалик ишларида рўёбга чиқарилаётганлигининг натижасидир.

Шу билан бирга КПСС Марказий Комитети эришилган муваффақиятлар хотиржам бўлиш учун асос бермайди, деб ҳисоблайди. Жуда кўп куч-ғайрат сарфланишига қарамай, бир қанча жойларда оби-ҳаво ишкалликлари таъсирини батамом бартараф этишга муваффақ бўлинмади, шу сабабли қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришидаги пировард натижалар планларда ва мажбуриятларда белгиланганидан камроқ бўлиб чиқди.

1975 йилда ем-хашак камроқ ғамланганлиги сабабли чорвачиликдаги қийинчиликлар айниқса катта бўлди. Чорвачилик фермаларининг ходимлари рўй берган аҳволдан нобудгарчиликка иложи борича йўл қўймай қутилиш учун имкони бўлган ҳамма ишни қилдилар. Бироқ ишлаб чиқаришнинг зарур даражасига эришилгани йўқ.

Совет халқининг фаровонлигини янада ошириш юзасидан КПСС XXV съезди белгилаган катта-катта тадбирларни амалга ошириш учун қишлоқ хўжалигини янада тез суръатлар билан ривожлантириш керак бўлади. 1977 йилда колхоз ва совхозлар олдида янги, янада масъулиятли вазифалар турибди, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти ҳажмини анча кўпайтириш лозим. Шу билан бирга оби-ҳаво яна ноқулай келиб қолиши мумкинлигини эсдан чиқариш ярамайди, ҳар қандай тасодифларга барвақт шай бўлиб туриш керак.

КПСС Марказий Комитети ғоят муҳим умумдавлат масалалари юзасидан партия билан, халқ билан маслаҳатлашиб туришда қарор топган яхши анъанага амал қилиб, энг зарур вазифаларни биргаликда муҳокама этиш, уларни ҳал қилишнинг энг самарали йўлларини топиш, ички резервларни тўлиқроқ сафарбар этиш, давлатнинг қишлоқ хўжалигига ажратиб бераётган жуда катта ресурсларидан яхшироқ фойдаланиш мақсадида ушбу мактуб билан мурожаат қилишга қарор берди.

Келгуси қишлоқ хўжалик йилига тайёргарлик кўриш пайтида дон хўжалигини янада ривожлантириш тўғрисида ғамхўрлик қилиш ишини биринчи ўринга қўйиш лозим. Бу зарбдор соҳадаги ишни асло бўшаштириб бўлмайди. Дон хўжалигидаги резервлардан яхшироқ фойдаланиш, ҳосилдорликни ошириш учун, ялпи ҳосилни кўпайтириш ва дон сифатини яхшилаш, давлатга дон сотишни кўпайтириш учун олиб борилаётган курашни янада кенг авж олдириш керак. Бу масалалар ҳар бир колхоз, совхоздаги ҳар бир партия ташкилотининг, ҳар бир деҳқоннинг доимо диққат марказида туриши зарур.

Марказий Комитетнинг фикрича, 1977 йилги вазифаларни муваффақиятли ҳал этишда ҳозир ишимизнинг икки муҳим йўналиши: кўкламги экишга ҳозирлик кўриш ва чорва қишловини ўтказиш алоҳида ўрин олиб турибди.

Қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари кўкламги дала ишларига ҳар тарафлама ва пухта тайёргарлик кўриш ҳосил учун курашда нақадар катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биладилар. Бу соҳадаги ҳамма иш муҳим, бунда икир-чикирлар йўқ. Аввало, кадрларга оммавий равишда таълим бериш, уруғлик тайёрлаш, нам тўплаш, кузги экинларни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш, минерал ўғитларни ташиб олиш ва органик ўғитлар ғамлаш, техниканинг тўла шайлигини таъминлаш, ҳосилга хизмат қиладиган бошқа ҳамма тадбирларни амалга ошириш ана шундай ишлар жумласига киради.

Умуман мамлакатда кўкламги экиш учун етарли миқдорда уруғлик ғамлаб қўйилган. Аммо айрим районларда ҳосил ўрими даврида ёғингарчилик бўлиб турганлиги сабабли ортиқча намликдаги уруғлик ғамланган, бу эса унинг уруғ бўлиш хусусиятини пасайтириш ва ҳатто бузилиш хавфини вужудга келтиради. Шу сабабли уруғликнинг сақланиши учун қаттиқ контроллик ўрнатилиши, лабораторияларда унинг сифати ўз вақтида текширувдан ўтказилиши, экин учун зарур бўлган юксак кондицияларга етказилиши лозим. Ҳосил бугунги нон бўлса, уруғлик эртаги нон, деган ҳикматли гап бор ҳар бир хўжаликда. 1977 йил баҳорида экиш учун ҳамма экинларнинг тегишли навлардаги аъло сифатли уруғлиги резерв запаси билан бирга бўлишини таъминлаш — колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалик органлари, ғалла қабул қилиш корхоналари мутахассисларининг бурчидир.

Тупроқда нам тўплаш ва уни сақлаб қолиш юзасидан катта иш амалга оширилиши керак. Мамлакатнинг кўпгина районлари учун бу масала жуда муҳим аҳамиятга эга. Нам тўплаш учун кураш — ҳосил учун курашдир. Далаларда қор тўплаш ишини активроқ ўтказиш, эрув ва ёмғир сувларининг оқиб кетишига йўл қўймаслик учун ҳамма чораларни кўриш, имкони бўлган ҳамма нарсаларни ишга солиб, сув запасларини кўпайтириш лозим.

1977 йилда мелиорацияга доир топшириқларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма чораларни кўриш, шу йили экин экиш учун мелиорацияланган ерларни имкони борича кўпроқ ишга тушириш зарур. Суғориладиган ва захи қочирилган ерлардан фойдаланишни яхшилайдиган, ҳосилни оширадиган, янги ўзлаштирилган ерларнинг ҳар гектаридан юксак самара олишни таъминлайдиган ҳамма тайёргарлик ишлари барвақт амалга оширилиши жуда муҳимдир.

Кузда уруғ ташланган экинзорларга ғаллакорлар алоҳида эътибор беришлари керак. Ялпи дон ҳосилининг миқдори кузги экинларнинг сақлаб қолинишига ва уларнинг ҳолатига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Айрим йилларда кузги экинлар нобуд бўлиши оқибатида қишлоқ хўжалиги катта зарар кўрган. Шу боисдан ҳам ҳар гектар ердаги экинларни сақлаб қолиш, кузда уруғ ташланган далада мўл ҳосилни таъминлаш соҳасидаги агротехника ишларининг бутун комплексини ўз вақтида ва пухта бажариш — ҳозир бўлажак ғалла хирмони учун курашдаги энг муҳим юмушларнинг биридир.

Ҳозирги вақтда колхоз ва совхозларда 1977 йилги ишлаб чиқариш планлари тузилмоқда. Шу планларда экинзорлар структурасини янада такомиллаштиришни кўзда тутиш жуда муҳимдир. Кейинги йилларда кўпгина хўжаликлар бу соҳада муайян иш қилди, бу иш ғаллазорларни анча кўпайтириш имконини берди. Бу — ўз вақтида кўрилган тўғри тадбир бўлди. Вазифа ғаллазорларни бундан буён ҳам кенгайтиришдан иборат.

Дон учун ғалла экиладиган ерларнинг ўз структурасини такомиллаштиришдаги ҳамма резервлардан ҳали фойдаланилгани йўқ. Озиқ-овқат бўладиган дон етиштиришга эътиборни бўшаштирмай туриб, кўпгина колхоз ва совхозларда ембоп экинлар — арпа, сули, супурги, дуккакли дон экинлари, жанубий районларда эса маккажўхори сингари серҳосил экин майдонларини кенгайтиришни кўзда тутиш мақсадга мувофиқдир.

1977 йилнинг ўзидаёқ гречиха ва тариқ ялпи ҳосилини кескин кўпайтириб, шу экинлар ҳосилини давлатга сотиш юзасидан белгиланган топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш зарур. Бу қимматли ёрмабоп экинлар учун яхши ерлар ажратиб берилсин, ҳосилдорликни кўпайтириш учун ўғит ва бошқа воситалар етарли равишда бериб турилсин. Шоликорларимиз олға томон янги катта қадам қўйишлари керак.

Совет кишиларининг фаровонлиги яхшиланган сайин хилма-хил ва юқори сифатли озиқ-овқат маҳсулотларига ҳамда халқ истеъмол молларига талаб тўхтовсиз оша беради. Шу сабабли партия дон етиштиришни кўпайтириш вазифасини бўрттириб кўрсатиш билан бирга ҳар бир экинга, деҳқончиликнинг ҳамма маҳсулотларини етиштиришни муттасил кўпайтиришга катта аҳамият бермоқда. Қанд лавлаги етиштиришга эътиборни янада кучайтириш лозим бўлади. Кунгабоқар, соя, бошқа мойли экинлар етиштиришда кескин бурилиш қилиш зарур.

Картошкакорлар ва сабзавоткорлар олдида масъулиятли вазифалар турибди. Картошка ва сабзавот ҳосилдорлигини ошириш ва ялпи ҳосилни кўпайтириш билангина чекланмасдан, уларнинг сифатини анча яхшилаш ҳам керак. Пахта, зиғир, мева, узум, чой етиштиришни янада кўпайтириш учун мавжуд имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланиш лозим.

Колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари билан мутахассислари конкрет шароитларни ҳисобга олиб, ҳар бир экинга доир ишларнинг аҳволини чуқур анализ қилишлари ҳамда кўкламги дала ишларига тайёргарлик кўриш давомида ялпи ҳосилни анча кўпайтиришга имкон берадиган тадбирларни амалга оширишлари керак.

Ем-хашак етиштириш масалаларини жуда синчиклаб кўриб чиқиш керак бўлади. Колхоз ва совхозлар ишни шундай ташкил қилишлари лозимки, бу йил силосбоп экинлар, кўп йиллик ва бир йиллик ўтлар, озуқабоп илдиз мевалар ҳосилдорлигини анча ошириш, табиий ем-хашак майдонлари маҳсулдорлигини кўтариш таъминланадиган бўлсин. Ҳар бир хўжалик, ҳар бир ферма етарли миқдорда тўйимли озуқа билан ва уларнинг зарур эҳтиёт запаслари билан таъминлаб қўйилиши керак.

1977 йилда қишлоқ хўжалиги кўп миқдорда минерал ўғит олади. Афсуски, бизда ҳали ўғитни заводлардан жўнатиш, уни ташиш ва асраш қоидаларини бузиш оқибатида ўғитнинг кўплаб нобуд бўлиш фактларига барҳам берилгани йўқ. Органик ўғит — тупроқ ҳосилдорлигини оширишнинг катта резервидир. Аммо айрим хўжаликларнинг раҳбарлари минерал ўғит кўпроқ етказиб берилишига кўз тутиб, органик ўғит тўплаш ва уни ерга солишга эътиборни бўшаштириб юбордилар. Минерал ва органик ўғитлардан ғоят самарали фойдаланиш учун колхоз ва совхозлар, қишлоқ хўжалик органлари, «Сельхозтехника» бирлашмалари, химия саноати корхоналари, транспорт ташкилотлари доимо курашишлари лозим.

Қишлоқ хўжалигидаги самарадорлик ва сифатни ошириш юзасидан партия XXV съезди ўртага қўйган вазифа деҳқончилик маданиятини янада юксалтириш тадбирларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ. Кўкламги экишга тайёргарлик даврида буни доимо ҳисобга олиш зарур.

Деҳқончилик маданияти — жуда кенг ва теран тушунча эканлиги маълум. Ерда жуда катта тартиб ўрнатиш ҳам, яхши уруғлик ҳам ва экинларни синчиклаб парвариш қилиш ҳам, ўғитдан рационал фойдаланиш ҳам, тупроқни юқори сифатли ишлаш ва техникадан юқори унум билан фойдаланиш ҳам, ҳамма дала ишларини қисқа муддатларда бажариш ҳам шу жумлага киради. Хуллас, бу тушунча пировард натижада салмоқли ҳосил кўтаришни ўз ичига олади.

КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, бўлғувси ҳосилга замин яратилаётган ҳозирги вақтда партия ташкилотлари, хўжаликларнинг раҳбарлари, агрономлар ишлаб чиқариш самарадорлигини кўтаришнинг бош шарти бўлган деҳқончилик маданиятини оширишни таъминлайдиган ҳамма тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор билан қарашлари лозим. Деҳқончилик маданиятини ошириш—қишлоқ хўжалик маҳсулотини кўп миқдорда қўшимча равишда олиш демакдир.

Бу йил кўкламги дала ишлари ҳажми анча ортмоқда. Мамлакатнинг бир қанча районларида қиш эрта тушганлиги сабабли ер ҳайдаб, тупроқ ишлаш планлари бажарилмай қолди. Шу сабабли кўкламги дала ишларини ўтказишда кўп куч сарфлашга тўғри келади. Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислари ҳамма нарсани синчиклаб, чамалаб кўришлари, кўклам шароитлари ёмон келишини назарда тутишлари, қисқа кўклам палласида энг унумли меҳнатни ташкил этиш, бирон соатни ҳам зое ўтказмаслик учун мавжуд резервларни ҳисобга олишлари керак.

Кўкламги экишнинг муваффақияти кўп жиҳатдан техникани ўз вақтида ва пухта шай қилиб қўйишга боғлиқ бўлади. Бошқирдистон, Целиноград ва Иваново механизаторларининг мактуби матбуотда эълон қилинди. Улар мамлакатнинг барча механизаторларига мурожаат қилиб, хўжаликларда мавжуд бўлган жамики, машина-механизмларни дала ишларига муддатидан илгари ва юқори сифатли қилиб, тайёрлаб қўйишга чақирдилар. Бу чақириқ ҳамма жойда қизғин қўллаб-қувватланди. Мусобақа ташаббускорлари олинган мажбуриятларни муваффақиятли бажармоқдалар. Тупроқ ишлаш ва уруғ ташлаш машиналарининг ҳаммаси ҳозирнинг ўзидаёқ шай қилиб қўйилди, тракторлар ремонти белгиланган муддатлардан илдам олиб борилмоқда.

Шундай қилиш керакки, ҳар бир республика, ўлка, областда, ҳар бир колхоз ва совхозда, бўлим ва бригадада, «Сельхозтехника» корхоналарида машиналарни кўкламги экишга тайёрлашнинг календарь графиклари ишлаб чиқилсин, ремонт ишларининг юксак суръатлари таъминлансин. Сифатга алоҳида эътибор берилиши керак. Кейинчалик машина-механизмларнинг бекор туриб қолиши, муддатларнинг ўтиб кетиши, ҳосилнинг бой берилиши аламини тортгандан кўра, ҳозир, ҳали вақт борида ҳар бир машинани қайта-қайта текшириб чиққан яхшироқдир.

Ҳамма колхоз ва совхозларда машина-трактор агрегатлари икки сменада ишлатилиши керак. Ҳар бир хўжаликда машиналарга кўкламги экиш даврида хизмат қилишга барвақт ҳозирлик кўриб қўйиш, узеллар, агрегатлар ва запас қисмларнинг алмаштириладиган фондини вужудга келтириш, техникавий хизмат кўрсатадиган доимий ва кўчма пунктларни шай қилиб қўйиш, созловчи усталар звеноларини, диспетчерлик алоқасини ташкил қилиш лозим. Хуллас, инженерлик хизмати экиш даврида яхшилаб созланган механизмдек ишлаши учун ҳамма чорани кўриш зарур.

Қишлоқ механизаторларининг энг юксак меҳнат унумдорлигига эришиш учун, машиналарнинг техникавий имкониятларидан максимал даражада фойдаланиш учун бошлаган ажойиб ҳаракати дала ишларини муваффақиятли ўтказишда катта сафарбар қилувчилик ролини ўйнамоқда. Бу илғор ҳаракат 1977 йилда янада зўр куч билан авж олиб кетиши шубҳасиз.

Механизатор—замонавий қишлоқ хўжалигининг марказий фигурасидир. Колхоз ва совхоз ишининг пировард натижалари унинг билими ва касб-кор маҳоратига, тажрибасига, унинг ишга муносабатига ҳал қилувчи даражада боғлиқ бўлади. Хўжаликларни икки сменада ишлаш учун механизатор кадрлар билан таъминлаш ҳозирги вақтда биринчи даражали аҳамият касб этмоқда. Механизаторлар етишмаётган жойларда уларни қўшимча равишда тайёрлашни ташкил қилиш, таълимнинг ҳамма форма ва методларидан — қишлоқ умумий таълим ўрта мактабидан, ҳунар-техника билим юртидан, турли курслардан фойдаланиш лозим.

Ростов партия ташкилотининг тажрибасини жуда кенг оммалаштирса арзийди. Ростовликлар намунаси асосида ҳамма областлар, ўлкалар ва республикаларда қишлоқ аҳолисидан имкони борича кўпроқ киши механизаторлик касбини ўзлаштириб олиши, трактор, автомобилни бошқарадиган бўлиши, турли-туман техникани ва ишлаб чиқаришнинг машиналаштирилган технологиясини билиши учун оммавий механизаторлиқ умумий таълимини ташкил этиш керак. Хўжаликларнинг раҳбарлари кўкламги экиш даврида механизаторлар меҳнати, маиший ва маданий ҳордиқ чиқариши учун яхши шароит яратиш тўғрисида кўпроқ ғамхўрлик қилишлари лозим.

Ҳосил учун умумий курашда шонли ишчилар синфи, социалистик индустриямиз катта роль ўйнайди. КПСС Марказий Комитети қишлоқ буюртмаларини бажарувчи саноат корхоналарининг коллективларига мурожаат қилиб, машиналар, запас қисмлар, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитларни ва бошқа материал-техника воситаларини ўз вақтида етказиб беришга, ишлаб чиқариш планларини ички резервлар ҳисобига ошириб бажариш имкониятларини қидириб топишга, колхоз ва совхозларга оталиқ ёрдамини кучайтиришга чақиради.

КПСС Марказий Комитети ҳозир чорвачиликка алоҳида эътибор қаратилиши лозим, деб ҳисоблайди. Гўшт, сут ва бошқа чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтиришни таъминлаш, шаҳарларнинг ва саноат марказларининг аҳолисини шу маҳсулотлар билан таъминлашни яхшилаш — партия, совет ва хўжалик органларининг, хўжаликлар раҳбарлари ва мутахассисларининг, барча колхозчилар ва совхоз ишчиларининг энг зарур вазифасидир. Бунда чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳал қилувчи роль ўйнайди. Бу йил чорва қишловини ўтказиш учун анча қулай шароит вужудга келмоқда. Кўпроқ ем-хашак ғамлаб олинган, фермалардаги механизация даражаси кўтарилган, чорвани замонавий молхоналар билан таъминлаш яхшиланган, энг муҳими — малакали чорвадор кадрлар ўсиб етишган.

Қиш фаслида фермаларда ем-хашак ресурсларидан ўринли фойдаланиш, ем-хашакни қайта ишлашни ташкил этиш, уларнинг ғозини ошириш биринчи даражали аҳамиятга эгадир. Бу иш ҳамма жойда сабот ва собитқадамлик билан олиб борилиши лозим. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳар бир хўжаликдаги озуқа цехи аниқ ва узлуксиз ишлаб турсин, ем-хашакнинг ҳар килограммидан фақат истеъмолга тайёрланган ҳолда фойдаланилсин ва маҳсулот тарзида энг кўп самара берадиган бўлсин.

Чорва молларни урчитиб кўпайтиришни яхшилаш муҳим вазифадир Қиш-кўклам ойларида моллар кўплаб болалайди. Янги туғилган бузоқлар, чўчқа болалари ва қўзиларни тўла-тўкис асраб қолиш — бу йил чорва туёғини ва маҳсулот етиштиришни кўпайтириш учунгина эмас, бу тармоқни келгусида узлуксиз ривожлантириш учун ҳам негиздир. Чорва молларни бўрдоқихона ва яйловда боқиб семиртиришнинг интенсив методларини кенг жорий қилиш, гўштга топшириладиган чорва вазнини ошириш — қўшимча гўшт олишнинг катта резервидир. Қиш фаслининг ўзидаёқ ҳар бир сигирдан соғиб олинадиган сутни анча кўпайтиришни таъминлаш, сут етиштириш ва харид қилишни муттасил оширишга эришиш зарур.

КПСС Марказий Комитети чорвачилик ходимлари бу йил ўз олдиларига янада каттароқ вазифаларни қўйиш ва ҳал этиш имкониятига эгадирлар, деб ҳисоблайди. Соғин сигир маҳсулдорлигини ва бўрдоқихонадаги моллар вазнини анча оширишга эришиш, чорвачиликнинг ҳамма маҳсулотларини давлатга сотиш планлари ва топшириқларини ошириб бажариш, сут харид қилиш жиҳатидан эса, 1977 йилдаёқ беш йиллик планга мувофиқ 1978 йилга мўлжалланган даражага етиб олишдан иборат қимматли ташаббусни бошлаган Киев области чорвадорларининг тажрибаси шундан яққол далолат бериб турибди. Киевликларнинг КПСС Марказий Комитети маъқуллаган бу ватанпарварлик ташаббусини мамлакатнинг барча чорвадорлари қизғин маъқуллаб кутиб олишлари шубҳасиз.

Ўртоқлар! Мамлакатимиз ўзининг катта юбилейи — Улуғ Октябрь социалистик Революциясининг олтмишинчи йилига қадам қўйди. Барча совет кишилари қатори қишлоқ меҳнатчилари ҳам шу шонли айёмни коммунистик қурилишда янги зафарлар билан кутиб олишга интилмоқдалар.

КПСС Марказий Комитети ҳисоблайдики, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари, совет ва қишлоқ хўжалик органлари дала ва фермаларда юксак уюшқоқликни, аниқ иш маромини таъминлаш, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришида ҳеч қандай узилишга, бекор туришга, «бўш» кун бўлишига йўл қўймаслиги учун ҳамма чораларни кўришлари лозим. Ҳар бир меҳнат соатида деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулоти етиштиришни кўпайтириш ишига конкрет ҳисса қўшилиши керак. Ишлаб чиқилган хўжалик планларини амалга ошириш учун ҳар томонлама ташкилотчилик ва сиёсий иш олиб борилиши, колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришининг ҳал қилувчи участкалари алоҳида контроль остига олиниши лозим. Шак-шубҳа йўқки, мўл ҳосил учун, чорвачиликни янада юксалтириш учун курашда ҳамиша бўлганидек, бу йил ҳам қишлоқ коммунистлари ва комсомоллари биринчи сафларда бўладилар ,маҳорат, серунум меҳнат, уюшқоқлик ва интизом намунасини кўрсатадилар.

КПСС Марказий Комитети колхозчиларни, совхозларнинг ишчиларини, механизаторларни, олимларни, қишлоқ хўжалик мутахассисларини, қишлоққа материал-техника воситаларини етказиб берувчи саноат ходимларини 1977 йилда қишлоқ хўжалигида юксак марраларга эришиш учун социалистик мусобақага актив қўшилишга чақиради ва улар юбилей йилида экономикамизнинг ана шу ҳаётий муҳим тармоғини ривожлантиришга янги, ёрқин саҳифа битадилар, деб ишонч билдиради.

*Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети*

